

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМБЕТКАРИМОВА МУСЛИМА САДИРАТДИНОВНА

**ЭПИЛЕПСИЯСИ БОР ОНАЛАРДАН ТЎҒИЛГАН ЭРТА ЁШДАГИ
БОЛАЛАРДА САЛОМАТЛИК ВА НЕВРОЛОГИК СТАТУС ҲОЛАТИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

14.00.13.-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мамбеткаримова Муслима Садиратдиновна

Эпилепсияси бор оналардан тўғилган эрта ёшдаги болаларда саломатлик ва неврологик статус ҳолати хусусиятлари

Мамбеткаримова Муслима Садиратдиновна

Оценка состояния здоровья детей первого года жизни, рожденных от матерей с эпилепсией

Mambetkarimova Muslima Sadiratdinovna

Assessment of the state of health of children of the first year of life born to mothers with epilepsy

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМБЕТКАРИМОВА МУСЛИМА САДИРАТДИНОВНА

**ЭПИЛЕПСИЯСИ БОР ОНАЛАРДАН ТЎҒИЛГАН ЭРТА ЁШДАГИ
БОЛАЛАРДА САЛОМАТЛИК ВА НЕВРОЛОГИК СТАТУС ҲОЛАТИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

14.00.13.-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PHD/Tib755 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Ашурова Дилфуза Ташпулатовна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Маджидова Ёқутхон Набиевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳимбаева Гулнора Саттаровна, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шамсиев Фуркат Мухитдинович, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражадар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 08 сентябр кuni соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./Факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 524 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./Факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» сентябр кuni тарқатилди.

(2021 йил «10» сентябр даги 524 рақамли реестр баенномаси).



[Handwritten signature]

А.В.Алимов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

К.Н.Хайтов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

[Handwritten signature]

Д.И.Ахмедова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
копидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра “...эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган чақалоқларнинг ривожланишида нуқсонлар учрашининг частотаси 1000 нафар янги туғилган чақалоқлардан 3-5 нафарини ташкил қилади”¹. Ҳомиладорлик вақтида оналарда эпилептик хуружларнинг бўлиши болаларнинг когнитив ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳомиладорлик вақтида ва постнатал даврда антиэпилептик препаратларнинг (АЭП) боланинг бош миёсига таъсир кўрсатиши психомотор ривожланишдан орқада қолиши ва олий асаб фаолияти шаклланишининг бузилишига олиб келади.

Дунёда, эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда неврологик ўзгаришларни ташхислаш ва коррекция қилиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун, текширувнинг замонавий усулларини қўллаш билан ташхислаш усулларини ўрганиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган, кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай болаларда минимал вегетатив бузилишлар, гиперфаоллик билан диққат-эътиборнинг танқислиги синдроми, оғирлик даражаси турлича бўлган гиперкинезлар, инсомниялар марказий асаб тизими (МАТ) дисфункциясининг клиник кўринишлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу категориядаги болаларда шикоятларнинг турлича спектрдалиги, функционал бузилишлар ва чегаравий ҳолатларнинг бўлиши, симптомларнинг турли-туманлиги коррекцион ва профилактик дастурларни яратишга индивидуал ёндошувни талаб этади.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимизда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланди, касалликларни самарали даволаш учун мақсадга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди, сезиларли ижобий натижаларни олишга имкон берувчи, замонавий технологиялар жорий этилди. Ҳозирги вақтда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ, мамлакат аҳолиси, жумладан, эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларга, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш ҳисобига, тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш кўзда тутилган, бу эса беморлар ҳаёт сифатини оширишга имкон беради².

Ушбу диссертация иши маълум даражада 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишлари” №ПҚ-4947, 2016 йил 16 мартдаги “Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари: 2016 йил 2 ноябрдаги “2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналар

¹HEARTS: technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2018

²Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017 — 2021 г.г.»

ва болалар соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ -4985, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар хақида” №ПҚ – 5590³,2017 йил 20 июндаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-3071-сонли Қарорларида, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V “Тиббиёт ва фармокология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпчилик маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар, болалардаги ноинфекцион касалланиш ва ногиронликни перинатал даврнинг ўзига хослиги билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Ҳомиладорларда соматик патологиялар сони ортиб бормоқда, бунда бутун ҳомиладорлик давомида мунтазам, кўпинча эса – комбинацияланган терапияни талаб этувчи сурункали касалликлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай касалликларга, тарқалганлиги 3,22%, касалланиш - 14,8% ни ташкил қиладиган эпилепсия киради (Л.Е.Мильчакова, 2018).

Турли маълумотларга кўра, эпилепсиянинг аҳоли орасида тарқалганлиги 0,5-1,0% ни ташкил қилади. Эпилептик тутқаноқлар (кўзғатилган ва сабабсиз) ривожланган мамлакатларда катталарнинг 1-2% ва болаларнинг 6-7% да, иқтисодий ривожланмаган мамлакатларда – болаларнинг 7-14% да учрайди (Hauser W.A. 2011; Jallon P. 2016). Шу нарса аниқланганки, ҳар йили болаларнинг 0,3-0,4% эпилепсиядан азият чекувчи аёллардан туғилади (Tomson T. 2017; Pennell P.V. 2014). Олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эпилепсия билан касалланган аёлларда акушерлик асоратлари хавфи аҳоли орасидаги хавфдан юқори, бироқ ишончли статистик маълумотлар мавжуд эмас [М.М. Шехтман, 2012; Т. Броун, Г. Холмс, 2016]. Тахмин қилинадики, эпилепсия билан оғриган аёлларда кўпинча ҳомиладорлик токсокози, туғруқнинг ўз вақтида бўлмаслиги (ҳам эрта туғруқ, ва ҳамда ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиши) кузатилади [Л.О. Бадалян ва ҳаммуал., 2013]. Шу билан бирга, перинатал ўлим ва тиббий кўрсатмаларга мувофиқ ўтказиладиган ҳомиладорликни тўхтатиш частотаси ўртача статистик кўрсаткичлардан биров ошади. [А.А. Стародумов ва ҳаммуал., 2016; Vajda F, Lander C, O'Brien T, et al., 2014]. Шунингдек, туғруқ пайтида қон кетиши ва янги туғилган чақалоқларда геморрагик синдромнинг ривожланиши хавфи юқори бўлиб, бу жигар ферментларининг индукцияси ҳисобига қоннинг ивиш тизими омилларининг даражасига таъсир қилувчи эпилепсияга қарши препаратларни

³ 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ – 5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар хақида” ги қарори

кўллаш билан боғлиқ [Карлов В.А., Власов П.Н., Краснопольский В.И. ва б., 2011; Berg K. et al., 2015]. Эпилепсия билан оғриган беморларда хомиладорликнинг кечиши ва туғруқ билан хуружлар ва қабул қилинаётган эпилепсияга қарши препаратларнинг хомила ва янги туғилган чақалоқнинг аҳолига таъсир кўрсатиши ҳақидаги савол чамбарчас боғлиқ ҳолда туради. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда асфиксия частотаси аҳоли билан таққослаганда сезиларли даражада ошган [С. Коллинз, 2019 йил; Аббаси Ф., 2019]. Апгар шкаласи бўйича янги туғилган чақалоқларда кўпинча кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган, янги туғилган чақалоқларнинг вазни 2500 граммдан кам, мажруҳлик ва ривожланиш нуқсонлари кўп учрайди [Т. Браун, Г. Холмс, 2016; Карлов В.А., 2020].

Маҳаллий амалий тиббиётда эпилепсиядан азият чекувчи оналардан туғилган болалар ҳаётининг биринчи йилида соматик ҳолатининг муаммоси ўрганилмаган, шунинг учун хомиладорлик кечишини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ва эпилепсияни даволаш, хомиладорлик пайтида АЭП нинг болага салбий таъсири хавфини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, болаларнинг соматик ҳолатиникоррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти илмий-тадқиқот ишлари доирасида педиатрия ва болалар неврологияси йўналиши бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилди.

Тадқиқот мақсади: Эпилепсиядан азият чекувчи оналардан туғилган болаларга конституционал ёндошув жиҳатидан фойдаланиб ривожланиш хусусиятларини прогнозлаш ва аниқланган бузилишларни тузатиш билан даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

ретроспектив материаласосида, антиконвульсантларни кўллаш схемасини ҳисобга олиш билан эпилепсиядан азият чекувчи аёлларда хомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврнинг хусусиятларини ўрганиш;

эпилепсиядан азият чекувчи оналардан туғилган янги туғилган болаларнинг адаптацион имкониятлари ва соғлиғи ҳолатига қиёсий баҳо бериш;

оналарга қўлланиладиган антиэпилептик терапия вариантлари, хомиладорлик кечишининг хусусиятлари ва оналардагийўлдош соматик патологиянинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда болалар саломатлиги ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ҳаётнинг биринчи йили давомида эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларнинг соғлиғи ҳолатини тавсифлаш;

эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган болаларнинг соғлиғидаги бузилишларни тузатиш бўйича даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тадқиқот объекти: Диссертация ишидаретроспектив (115385 та туғруқ тарихи, 200 нафар эпилепсия билан касалланган оналар) ва проспектив тадқиқотлар тахлили, шунингдек, эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган 102 нафар болада, туғилганидан то 12 ойликкача ўтказилган клиник, неврологик ва инструментал тадқиқотларнинг динамик кузатув натижалари тақдим этилган, назорат гуруҳини шу ёшдаги амалда соғлом бўлган 53 нафар болалар ташкил қилган.

Тадқиқот предмети: биокимёвий текширувлар учун венадан олинган қон ва қон зардоби.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида клиник маълумотлар, анамнез, неврологик текширув, нейрофизиологик тадқиқотлар (НСГ), клиник ва биокимёвий тадқиқотлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган болаларнинг ҳолати батафсил ўрганилди;

эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган болаларда неврологик бузилишларнинг учраш частотаси ва характери ёритиб берилди;

эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда ЭЭГ нинг эпилепсиясимон аномалияларнинг хусусиятлари ва частотаси аниқланди. Оналардаги эпилепсия шаклларига кўра болаларда ЭЭГ да эпилепсия ва эпилепсиясимон аномалияларнинг ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатиб берилди;

эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларнинг неврологик ва нейропсихологик ҳолатининг хусусиятлари ёритиб берилган. Оналарда кузатиладиган эпилепсияга боғлиқ ҳолда болалар психомотор ривожланиши асосий параметрларининг статистик тахлили олиб борилган;

эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда эпилепсия ривожланишининг хавф омиллари аниқланди;

эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда эпилепсия ривожланишини прогнозлаш алгоритми ишлаб чиқилди;

эпилепсия билан оғриган ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказиш ва олиб бориш стандарти таклиф этилди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқот натижасида эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда эпилепсия шаклланишининг предикторлари аниқланди.

тадқиқот гуруҳидаги болаларни босқичма-босқич текширишнинг алгоритми таклиф этилди, бу амалиёт шифокорига болада неврологик ва нейропсихологик оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва узоқ муддатли оқибатларни бартараф этишга имкон беради. Пациентларнинг ўрганилаётган гуруҳида ишончли равишда тез-тез учрайдиган неврологик оғишларни аниқлаш ушбу болалар ҳаётининг турли босқичларида электрофизиологик ва нейропсихологик ташхислашни олиб бориш заруратини асослаб беради;

эпилепсия шаклланишининг аниқланган хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларни олиб

боришнинг таклиф этилган алгоритми неврологик ва руҳий бузилишларнинг олдини олиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

прегравидар тайёргарликнинг ишлаб чиқилган тизими ва эпилепсиядан азият чекувчи ҳомиладорларни олиб бориш тактикаси гестация асоратларининг частотасини камайтиришга ва ҳомила учун ижобий яқунланишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигитадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал ва статистик усулларни қўллаш, текширувдан ўтказилган беморлар сонининг етарлилиги, эрта ташхислаш механизмини такомиллаштириш ва эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда неврологик бузилишларни коррекция қилиш, шунингдек уларни халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан солиштириш, ваколатли органлар томонидан берилган ҳулосалар ва натижалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг олинган натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда функционал бузилишлар синдроми ривожланишини прогноزلаш ва организмнинг бошқа аъзо ва тизимларининг касалликларини индивидуал тарзда профилактикасини олиб боришга имкон беради.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар асосида эпилепсиядан азият чекувчи оналардан туғилган болалар соғлиғининг бузилишларини коррекция қилиш бўйича даволаш-профилактика усуллари таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши: олинган илмий натижалар асосида эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болалар ҳаётининг биринчи йилида саломатлиги бузилишининг ривожланишини эрта ташхислаш ва коррекция қилишнинг усуллари такомиллаштирилди.

Эрта ташхислаш ва прогноزلашнинг оптималлаштирилган усулларини жорий этиш мақсадида “Эпилепсия билан оғриган ота-оналардан туғилган болаларда эпилепсиянинг ривожланиш хавфини прогноزلаш” услубий тавсиялари тасдиқланди ва жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 17.03.2020 й.даги №-8 н-р/109 сонли ҳулосаси). Кўрсатмаларда келтирилган жадвал эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган болаларда 80% гача аниқлик билан эпилепсия ривожланиши эҳтимолини прогноزلашга имкон беради.

“Эпилепсия билан оғриган аёлларни пренатал тайёрлаш алгоритми ва уларнинг фарзандларида неврологик бузилишларни олдини олиш” услубий тавсиялари тасдиқланди ва жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 17.03.2020 й.даги №-8 н-р/108 сонли ҳулосаси). Услубий тавсияларда келтирилган, эпилепсиядан азият чекувчи ҳомиладорларни прегравидар тайёрлаш тизими ва олиб бориш тактикаси гестация асоратлари частотасини камайтиришга ва 95,2% ҳолатларда она ва ҳомила учун ижобий яқунланишига имкон беради. Эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болаларда соғлиғидаги бузилишларни тузатишни

оптималлаштириш неврологик бузилишлар ривожланишини 2 бараварга бартараф этади.

Тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиёти, хусусан Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси, Яшнаобод оилавий п

оликлиникаси, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббий марказларида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг “__” _____ 2021 й. даги №__ - сонли хулосаси). Натижада 93,2% ҳолатларда эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган болалардан неврологик ўзгаришлар ривожланишини бартараф этиш, боланинг мослашувини яхшилаш ва ҳаёт сифатини оширишга, ҳамда касалланиш фоизини камайтиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 5 республика илмий–амалий анжуманларида апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан таклиф этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Она эпилепсиясининг ҳомиладорликка таъсири ва ҳаётининг биринчи йилида болаларнинг мослашуви”** номли биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, эпилепсия билан касалланган оналарда ҳомиладорликнинг кечиши ва унинг натижалари ҳақидаги ҳозирги тушунчалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Эпилепсия билан оғриган оналар ва ҳаётининг биринчи йилида улар фарзандларини текширувдан ўтказишга методологик ёндошув”** номли иккинчи бобида муаммони ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндошувлар ва усуллар келтирилган.

2009-2013 й.ларда Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятлари Перинатал марказларида, Қўқон шаҳридаги 3-сонли туғруқ комплексида, Самарқанд шаҳридаги 3-сонли туғруқ комплексида, Тошкент шаҳридаги 2-сонли, 3-сонли туғруқ комплексларида рўй берган 15385 та туғруқ тарихларининг ретроспектив тахлиллари ўтказилди. 200 нафар аёлларда эпилепсия ташхиси қўйилган (бу умумий соннинг 1,3% ни ташкил этади).

Асосий гуруҳда иккита кичик гуруҳ ажратилган: 1А гуруҳ – эпилепсиядан азият чекувчи 57 нафар аёл, улар (хомиладорликдан аввал), АЭП нинг суткалик дозасини адекват тайинлаш билан малакали невропатологнинг доимий махсус назорати остида бўлган, аёллар маслаҳатхонасида ўз вақтида рўйхатга олинган, динамикада текширувдан ўтган, махсус комплекс прегравидар тайёргарлик ва хомиладорлик вақтида гестацион асоратларнинг превентив терапиясини олган. 1Б гуруҳга, аёллар маслаҳатхонаси ва неврологда ўз вақтида рўйхатга олинмаганлиги (хомиладорликнинг II ва III триместрларида), ёки шифохонага ётқизилганлиги сабабли хомиладорликка тайёргарликдан ўтмаган, эпилепсия билан касалланган 45 нафар хомиладорлар кирган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 17-сонли маслаҳат поликлиникасида рўйхатдан ўтган 53 нафар шартли соғлом аёллардан иборат назорат гуруҳи ажратилган.

Барчада тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимлар ва аъзолар бўйича умумий ва махсус тадқиқотлар ўтказилди. Асосий гуруҳдаги хомиладор аёлларга невропатолог ва қўшма кенгашлар томонидан маслаҳат берилди. Барча хомиладор аёллар ҳам хомиладорлик динамикаси, ва ҳам туғруқдан олдин ва кейин клиник ва лаборатор текширув усулларида ўтдилар.

Назорат ва асосий гуруҳлардаги беморларнинг ёши 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган. Беморларнинг ўртача ёши асосий гуруҳда $24,8 \pm 3,2$ ёшни, назорат гуруҳида $23,7 \pm 1,8$ ёшни ташкил этди ($p < 0,05$). Иккала гуруҳдаги хомиладор аёлларнинг аксарияти фаол репродуктив ёшда бўлган.

Қоникарли, қоникарсиз ва яхши деб топилган яшаш ва моддий таъминот шароитлари ўрганилди. Эпилепсия бўлган хомиладорлар гуруҳида моддий-маиший шароити 17,7% ҳолатларда яхши, 59,8% да – қоникарли, 22,6% ҳолатларда - қоникарсиз бўлган. Соғлом хомиладор аёллар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 64,2%, 30,2%, 5,7% ни ташкил этди.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун эпилепсия билан касалланган оналардан туғилган 102 та янги туғилган чақалоқлар динамикада текширилди. Ушбу болалар мақсадли клиник, неврологик, лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказилди. Текширувдан ўтган янги туғилган чақалоқларнинг ёши туғилганидан 12 ойгача бўлган. Қизларнинг (60,9%) ўғил болалардан (39,1%) устунлиги жинсга қараб белгиланган.

Янги туғилган чақалоқни текширувдан ўтказишда унинг умумий ҳолатини баҳолаш, ташқи текширув (тананинг ўзаро нисбати, юз ифодаси, коммуникатив қобилиятлари, қичкириб овоз чиқариши, ҳаракат фаоллиги, мушакларнинг тонуси, янги туғилган чақалоқларнинг физиологик рефлекслари, дисэмбриогенез стигмаларининг мавжудлиги) олиб борилди.

Бундан ташқари, тизимлар бўйича (тери қоплами, суяк-мушак тизими, юрак-кон томир, нафас олиш, ошқозон-ичак тракти, физиологик ва патологик рефлексларни баҳолаш билан неврологик ҳолат) аъзолар кўруви ўтказилди. Шунингдек, янги туғилган чакалоқларнинг тана вазни ва бўй узунлиги, бош ва кўкрак айланаси бўйича антропометрик ўлчовлар ўтказилди.

Олинган маълумотларга статистик функцияларнинг кутубхонасидан фойдаланиш билан EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастур бўйича Pentium-4 шахсий компютерида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги тафовутларнинг аҳамиятлилик даражаси $P < 0.05$ бўлганида ишонарли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Антиэпилептик препаратлар билан монотерапия ва политерапияни олган, эпилепсиядан азият чекувчи аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечиши хусусиятларининг қиёсий таҳлили”** номли учинчи бобида эпилепсия билан касалланган аёлларда ҳомиладорликнинг кечишини таҳлил қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

200 нафар ҳомиладор аёлларорасида ретроспектив таҳлил ўтказилганида ҳомиладорликдан олдин тез-тез эпилептик тутканоклар бўлган (ойига бир мартадан кўп) беморларнинг 55,93% да ҳомиладорлик вақтида уларнинг частотаси кўпайган. Ҳомиладорликдан олдин тутканоклар кам учраган 41,1% аёлларда ойига бир мартадан кам бўлганида, гестация вақтида эпилепсиянинг зўрайиши 30% дан ошмаган ва тутканоклар кам учраган беморлар умумий сонининг 70% да тутканоклар частотаси сезиларли даражада камайган.

Тутканоклар частотаси триместр бўйича таҳлил қилинганда шу нарса аниқландики, ҳомиладорликнинг I триместрида тутканоклар частотаси 36% ҳолатларда кўпайган, 18% ҳолатларда камайган, ва қолган 46% кузатувларда частота динамикасида ўзгаришлар аниқланмаган.

Ҳомиладорликнинг бошланишидан келиб чиқадиган гормонал ўзгаришларнинг роли, шубҳасиз, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида эпилепсиянинг зўрайиши механизмида етакчи рол ўйнайди. Маълумки, ҳомиладорликнинг ўзи кўпинча чарчокнинг кучайиши, хиссий ҳолатдаги ўзгаришлар ва турли хил руҳий муаммоларнинг пайдо бўлиши билан бирга кечади. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида кузатиладиган ҳомиладор аёлларнинг аҳволининг ёмонлашиши нафақат гормонал ўзгаришлар, балки бош мия қобиғи қўзғалувчанлиги ва унинг диэнцефал-мезэнцефал тузилмаларининг ўзгаришлари билан ҳам изоҳланади. II триместрда тутканоклар частотаси мос равишда 24% ҳолатларда юқори, 16% ҳолатларда пасайган, 60% ҳолатларда динамика кузатилмаган. III триместрда тутканоклар частотаси мос равишда 49% ҳолатларда ошган, 14% ҳолатларда пасайган, 37% ҳолатларда тутканоклар частотаси ўзгармаган.

Ҳомиладорлик вақтида эпилептик тутканокларнинг кечишига касалликнинг давомийлиги ҳам таъсир кўрсатган, хусусан, касалликнинг 6 йилгача давом этишида ҳомиладорлик вақтида тутканоклар 16,7% ҳолатларда кўпайган. Агар эпилепсиянинг давомийлиги 20 йилдан кўпни

ташқил қилган бўлса, унда ҳомиладорларнинг 80% да жараённинг экзацербацияси кузатилган.

Ретроспектив тадқиқотга киритилган эпилепсия билан касалланган 190 аёлдан 108 нафари АЭП монотерапиясини олган ва 82 нафари эса 2 ва ундан ортиқ препаратларни қабул қилишган. 105 нафар ҳомиладорларда (52,5%) тарқоқ идиопатик эпилепсия, 92 нафар аёлларда (46%) парциал локал эпилепсия бўлган. Уларнинг 46 тасида (50%) – симптоматик ва 46 тасида (50%) - криптоген эпилепсия бўлган.

Тадқиқотга киритилган барча беморлар 18 ёшдан 38 ёшгача бўлган. 1-жадвалда ёшга доир таркиби кўрсатилган.

Жадвал 1

Ретроспектив гуруҳнинг ёшга доир таркиби

	Монотерапия гуруҳи (n=108)		Политерапия гуруҳи (n=82)	
	Абс.	%	Абс.	%
25 ёшгача	57	52,7	43	52,4
26-35 ёш	49	46,7	37	45,1
35 ёшдан катта	2	1,9	2	2,4

Ҳомиладор аёлларни ёшига қараб тақсимлашда шу нарса аниқландики, монотерапия гуруҳида 25 ёшгача бўлган ҳомиладорлар, бошқа ёш тоифаларига қараганда, кўпчиликни ташқил қилган - 57 (52,7%). Политерапия гуруҳида ҳам, шунингдек 25 ёшгача бўлган ҳомиладорлар устунлик қилган – 43 (52,4%). 2- жадвалдан кўриниб турибдики, монотерапия гуруҳидаги ҳомиладорлар 42,1% ҳолатларда биринчи марта, 57,9% ҳолатларда қайта ҳомиладор бўлганлар.

Жадвал 2

Ретроспектив гуруҳнинг паритети

	Биринчи марта ҳомиладор бўлган	Қайта ҳомиладор бўлган	Биринчи туғруқ	Қайта туғруқ
Монотерапия, n =108	42,1	57,9	67,4	32,6
Политерапия, n =82	37,2	62,8	72,8	27,2

Политерапия ўтказилган гуруҳда қайта ҳомиладор бўлганлар кўп фоизни – 62,8% аёллар, биринчи марта ҳомиладор бўлганлар - 37,2% беморларни ташқил қилган. Аммо шуниси эътиборга лойиқки, қайта туғруққа нисбатан, биринчи туғруқ иккала гуруҳда ҳам икки баравардан кўп бўлган, бу эпилепсия билан касалланган аёлларда репродуктив йўқотишларнинг кўплиги билан боғлиқ бўлган.


Иккала гуруҳдаги беморларнинг соматик тарихини тўлиқ таҳлил қилиш ўртача битта ёки иккита патологиянинг мавжуд эканлигини кўрсатди. Кўпинча аниқланган: СВД – монотерапия олган гуруҳдаги ҳомиладорларнинг 32 нафарида (29,6%) ва политерапияда бўлган аёлларнинг 33 нафарида (40,2%). Иккала гуруҳда ҳам камқонлик юқори фоизни, яъни мос равишда 37,9% ва 46,3% ни ташқил қилган. Бу АЭП нинг фолат метаболизмига антогонистик таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлган

кўринади. Биринчи гуруҳда 12 ҳафтагача беихтиёр бошланган бола ташлаш 13,9% ни, 12 ҳафтадан кўп муддатда - 9,3% ни ташкил қилган. Анамнезида хомиланинг антенатал нобуд бўлиши монотерапия олаётган аёлларнинг 7 нафарига бўлган, бу 6,7% ни ташкил қилган. Политерапия олаётган гуруҳда бу кўрсаткич куйидагиларни ташкил қилган: анамнезида беихтиёр бошланган бола ташлаш -16 (19,5%), кеч муддатларда бола ташлаш – 10 (12,2%), хомиланинг антенатал нобуд бўлиши ҳолати 9 нафар (10,9%) аёлларда бўлган, ривожланиш аномалиялари – 12 (14,6%), бу кўрсаткич биринчи гуруҳда 6 нафар (5,5%) болаларни ташкил қилган. Анамнезида янги туғилган чақалоқнинг неонатал нобуд бўлиши монотерапия гуруҳидаги 3 беморда аниқланган, бу 2,7% ни, иккинчисид аса– 12 (14,6%) ҳолатни ташкил қилган. Шундай қилиб, иккала гуруҳда репродуктив йўқотишлар аҳоли кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори фоизни кўрсатади.

АЭП нинг монотерапиясини олаётган аёллар анамнезида хомиладорликнинг таҳдид қилинган узилишининг частотаси 33,3% ни, иккинчи гуруҳда эса - 46,7% ни ташкил қилган, яъни ҳар иккинчи хомиладор аёлда кузатилган. Эпилепсиянинг тарқоқ шакли бўлган хомиладорларнинг 26,9% да, парциал шакли бўлган хомиладорларнинг 16,7% да преэклампсияривожланган, бу аҳоли орасидаги частотадан сезиларли даражада ошади (11-14 фоиз). Шунингдек плацентар етишмовчилик, унинг аҳоли орасида тарқалганлигига (4-7%) нисбатан, кўпинча эпилепсия бўлган хомиладорларда учраган ва ўртача 26,8% ни ташкил қилган, яъни 1 гуруҳдаги аёлларнинг ҳар тўртинчисид ва иккинчи гуруҳдаги аёлларнинг ярмидан кўпида 55,4% учраган. Бундан ташқари тарқоқ шакли бўлган хомиладорларда унинг частотаси, парциал тутқаноқларга нисбатан, анча юқори бўлган (32,8% ва 20,8% мос равишда, $p < 0,05$). Эпилепсия бўлган хомиладорларда фетоплацентар етишмовчиликнинг тез-тез ривожланиши натижасида хомила томонидан куйидаги асоратлар кўп учраган: хомиланинг сурункали гипоксияси, ва унинг оқибатида хомила ўсишининг чекланиши синдроми монотерапия гуруҳидаги хомиланинг 12,9% да кузатилган ва иккинчи гуруҳда 32,9% ни ташкил қилган. Тарқоқ тоник-клоник тутқаноқлар бўлган аёлларда кесарча кесиш амалиёти билан туғиш частотаси 24,8% ни ташкил қилган, яъни беморларнинг ҳар тўртинчисид, парциал тутқаноқларда эса 13,6% ҳолатларни ташкил қилган.

Тавсияларга режимни тузатиш, беморнинг ижтимоий фаоллиги, оилавий терапия ва ижтимоий қафолатлар берилиши киради (1, 2-расм).

Диссертациянинг “**Эпилепсиядан азият чекувчи оналарнинг янги туғилган чақалоқларида мослашув имкониятлари ва соғлиғи ҳолатини қийёсий баҳолаш**” номли тўртинчи боби эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган чақалоқларнинг мослашувини ўрганишга бағишланган.



Расм 1. Эпилепсия бўлган аёлларни прегравидар тайёрлаш схемаси




Схема 2. Ҳомиладорликни олиб бориш тактикаси

Асосий гуруҳдаги эпилепсия бўлган аёлларда соматик патология ва хомиладорлик ва туғруқнинг асоратларини коррекция қилиш ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг ҳолатида акс этди. 1Б гуруҳидаги аёлларда 42 (91,30%) бола, 1А гуруҳида эса - 57 (100%) бола тирик туғилди. Улардан мос равишда 71,4% ва 87,7% муддатида, 21,4% ва 87,7% муддатидан олдин, 7,14% ва 3,5% эса муддатидан кейин туғилган.

Биринчи дақиқада Апгар шкаласи бўйича янги туғилган чақалоқларнинг ўртача кўрсаткичи асосий гуруҳда юқори бўлиб, $8,13 \pm 0,2$ баллни (таққослаш гуруҳида $7,75 \pm 0,81$ балл), ва бешинчи дақиқада эса мос равишда $8,18 \pm 1,2$ баллга қарши $8,96 \pm 0,41$ ни ташкил этди ($p < 0,05$). Хомиланинг ўсишини чеклаш синдроми (ХЎЧС) таққослаш гуруҳидаги 5 (11,11%) ҳомилада, асосий гуруҳда эса 2 (3,5%) болада ташхис қўйилган, бу 70% ҳолларда ФПН терапиясининг самарадорлигини кўрсатади (3-жадвал).

Жадвал 3

Янги туғилган чақалоқларда асоратлар частотаси

Асоратлар тури	1А гуруҳ	1Б гуруҳ
Ҳомиланинг сурункали гипоксияси, %	21,05*	44,44
Ҳомиланинг ўсишини чеклаш синдроми, %	3,5*	11,11
Янги туғилган чақалоқлар асфиксияси, %	3,5*	22,22
Қоғаноқ суви аспирацияси, %	-	4,4
Янги туғилган чақалоқлар гипертензив синдроми, %	1,75	4,4
Нафас бузилишлари синдроми, %	-	4,4
Талваса синдроми, %	-	2,22
Марказий асаб тизимининг гипоксик шикастланиши, %	8,77*	37,78
Етилмаганлик	12,28*	26,67
Ривожланишнинг туғма нуқсонлари, %	-	8,89
Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши, %	-	39,21
Перинатал ўлим, %	-	49,01
Дастлабки вазни тикланишининг бузилиши, %	17,54	31,11

* $p < 0,05$, 1А ва 1Б гуруҳлари хомиладорлари орасидаги тафовут ишонарли

Ҳомиланинг сурункали гипоксияси янги туғилган чақалоқларда энг кўп учрайдиган асорат бўлиб қолди (44,44%), аммо даволанган гуруҳда касаллик сони 2 баравар камайди ва 21,05% ни ташкил этди. Чақалоқнинг етилмаганлиги ривожланиш частотаси бўйича иккинчи ўринда туради, бу ҳам, таққослаш гуруҳига нисбатан, асосий гуруҳда 2 баравар кам учрайди. Янги туғилган чақалоқни асфиксия ҳолатлари сони 6 баравар камайди - 1Б гуруҳида 22,22% дан асосий гуруҳда 3,5% гача.

Асосий гуруҳда марказий асаб тизимининг перинатал гипоксик шикастланиши белгилари билан 4 баравар кам чақалоқлар туғилди. Янги туғилган чақалоқнинг гипертензив синдроми таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлар билан таққосланганда 2,5 баравар кам учраган. Туғма

нуқсонлар 1А гуруҳида, 1Б гуруҳига қараганда, 3,8 марта кам учраган. Асосий гуруҳда перинатал йўқотишлар бўлмаган. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари асосий гуруҳдаги эпилепсия билан касалланган аёлларда эрта неонатал даврда янги туғилган чақалоқларда асоратлар сонининг сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди. Тўлиқ туғруқкача тайёргарликда бўлган аёллардан туғилган чақалоқларда дастлабки вазни тиклашда характерли бузилишлар 1А гуруҳида 1,8 баравар кам учраган, бунда улар 17,54% болаларда кузатилган. Болаларнинг ушбу гуруҳида тана вазнининг кўшилиши $188,3 \pm 49,6$ г, 1Б гуруҳида эса $52,5 \pm 23,7$ г ($p < 0,05$) ни ташкил этган. Текширувдаги гуруҳларда янги туғилган чақалоқларнинг ўртача тана вазни асосий гуруҳнинг барча кичик гуруҳларида кўпайган, ва бинобарин кам вазни болаларнинг улуши 7,02% гача камайган, яъни уларнинг сони таққослаш гуруҳига қараганда 2,4% га кам бўлган. 1Б гуруҳидаги тана вазнининг ўртача кўшилиши, асосий гуруҳдаги $237,7 \pm 10,9$ г га қарши, $52,5 \pm 23,7$ г ни ташкил қилган ($p < 0,05$).

Асаб тизимининг гипоксик ўзгариши эпилепсия билан оғриган оналардан туғилган чақалоқларнинг 28,3% да аниқланган. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда предгравидар тайёргарликдан ўтмаган аёлларда кузатилган.

НСГ кўрсаткичлари барча янги туғилган чақалоқларда тахлил қилинди. Олинган натижаларнинг тахлили бизга 8 нафар (17,4%) янги туғилган чақалоқларда бош миёда қон айланишининг бузилишини аниқлашга имкон берди, бош миёда қон айланиши ўткир бузилишининг геморрагик тури, бизнинг маълумотларга кўра, 13,0% ҳолатларда (6), ишемик тури - 4,3% ҳолатларда (2 нафар чақалоқ) учради. Бизнинг тадқиқотимизда эпидурал қон қуйилиши бир беморда (2,2%) кузатилди. Эхограммада—бош миёнинг гетероген ва хиралашган тузилиши, бош миё ярим шарлари орасидаги бўшлиқнинг ўнгга силжиши аниқланган. Ён қоринчалар ифодаланган шиш туфайли кўзга ташланмайди. Перивентрикуляр соҳа бир хилда эмас, эхогенлиги юқори. Чап томонда тепа суяклар устида, кефалогематомани эслатувчи, 6×8 см ўлчамлигипоэхоген ҳосила аниқланади. Битта янги туғилган чақалоқда (2,2%) ултратовушли текшируви орқали субдурал қон қуйилиши, миёнинг ўрта тузилмаларини силжитувчи, гиперэхоген эллипсимон ҳосила каби кўринди. Бош миё моддасининг эхогенлиги ошган. Ўнг томонда ён қоринчанинг катта кенгайиши билан асимметрик вентрикуломегалия аниқланди (ён қоринча танасининг чуқурлиги 8-15 мм ни ташкил қилди). Субарахноидал қон қуйилиши (САҚ) бизнинг тадқиқотимизда 2 нафар чақалоқда учради (4,3%). Эхографик кўриниши миё пушталари ва эгатлари суратлари эхогенлигининг локал ошиши, Сильвиев эгатларида юқори эхогенлик соҳалари билан характерланди, улар ушбу соҳада тромб каби тавсифланади, шунингдек перивентрикуляр соҳада ҳам юқори эхогенлик аниқланади.

3 нафар чақалоқда (6,5%) паренхиматоз қон қуйилиши эхограммада кўпинча юмалоқ шаклдаги аниқ контурга эга гиперэхоген соҳа билан, тепа-энса (2) ва чакка соҳаларда (1) жойлашган бир хилдаги эхоструктура билан

ифодаланди. 2 нафар болада бош мия ўрта структурасининг силжиши кузатилган. Бир болада динамикада порэнцефалик псевдокистанинг шаклланиши аниқланган. 2 нафар (4,3%) янги туғилган чақалоқ БМҚАЎБ нинг геморрагик тури, қоринча ичига қон қуйилишининг IV даражаси билан кузатувимиз остида бўлдилар.

